

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари
А. Абдухакимов

2022 йил 30 апрель

Ёшларнинг туризм соҳасидаги тадбиркорлик ташаббусларини
қўллаб-қувватлаш мақсадида грант ажратиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ–52-сон Фармониغا мувофиқ, Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда–Жамғарма) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ёшларнинг туризм соҳасидаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида грант ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

грант – ёшларнинг туризм соҳасидаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамғармадан ажратилган маблағлар;

талабгор – туроператорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган, грант олиш учун ариза топширган кунда 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

туроператор – туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

веб-сайт–камида иккита чет тилидаги, онлайн тўловларни қабул қилувчи (жумладан хорижий валютада ҳам), брон қилиш хизматлари мавжуд бўлган замонавий веб-саҳифа;

шартнома–Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда грант олувчи талабгор ўртасида грантни ажратиш шартларига амал қилиш юзасидан икки томонлама тасдиқланган ҳужжат.

3. Грант Давлат бюджетидан Жамғармага ажратиладиган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилгунига қадар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигига (кейинги ўринларда–Вазирлик) Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

тўлиқ ўзлаштирилганлиги тўғрисида ўзининг расмий веб-сайти ва ОАВларда эълон қилиши шарт.

2-боб. Грант ажратиш муддатлари, талаблари ва шартлари

4. Грант 2022 йил 1 майдан бошлаб, ҳар бир талабгорга 50 млн сўмдан ажратилади.

5. Талабгорлар грант олиш мақсадида Вазирлик ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда грант ажратиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

6. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) веб-сайтни яратиш бўйича тақдимот (тақдимотда веб-сайтнинг чет тиллари, онлайн тўловларни қабул қилувчи (жумладан хорижий валютада ҳам), брон қилиш хизматлари тўғрисида маълумотлар кўрсатилади);

б) туроператорлик фаолиятини амалга оширишни назарда тутувчи бизнес режа;

в) хорижий мамлакатлардаги туризм кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этишнинг режаси ва туристик стенд тақдимоти;

г) республикага хорижий мамлакатлардан туристларни жалб қилиш бўйича тақдимот.

7. Грант қуйидаги талаблар ва шартлар асосида берилади:

а) грант олиш учун ариза топширган вақтда туристик (туроператорлик) фаолияти билан шуғулланаётган ташкилотда таъсисчи ва/ёки директор бўлмаслиги;

б) грант олинган кундан бошлаб кўпи билан 10 иш кун ичида туроператорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиши;

в) уч йил давомида камида 200 нафар хорижий сайёҳлар учун тур ташкил қилиши.

Тегишли туризм йўналиши бўйича олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا ёки малака сертификатига эга бўлган, хорижий тиллар бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатлари, шу жумладан IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL IBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл ва/ёки шунга тенглаштирилган билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга эга бўлган талабгорларга устунлик берилади.

8. Вазирлик ариза олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида ҳужжатларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади.

9. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Вазирлик ариза берувчини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 10 иш кунига узайтириши мумкин.